

№39  
(1473)  
2023 YIL  
12-OKTYABR

# O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ  
УЗБЕКИСТАНА



t.me/uzbekistondasog'liqniqaqlash

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

## ЎЗБЕКISTON - ОЗАРБАЙЖОН

### ИККИ ДАВЛАТНИНГ ТАРИХ ЗАРВАРАҚЛАРИДАН ЎРИН ОЛГАН САМИМИЙ ТАШРИФИ

Жорий йилнинг 10 октябрь куни Ўзбекистон - Озарбайжон соғлиқни сақлаш декадаси доирасида юртимизга меҳмон бўлиб келган Озарбайжон соғлиқни сақлаш вазири Теймур Мусаев Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноят-тов ҳамроҳлигида пойтахтимизда жойлашган озар халқининг умуммиллий лидери Ҳайдар Алиев номидаги боғга ташриф буюрди. Бу албатта, икки давлат халқларининг бир-бирига бўлган эътибор ва ҳурмат рамзидир.



Эътиборлиси шундаки, юртимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон - Озарбайжон соғлиқни сақлаш декадаси икки мамлакат ўртасида тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги bosқичга кўтарди.

2023 йилнинг 11 октябрь куни "International Hotel Tashkent" меҳмонхонасида Ўзбекистон - Озарбайжон соғлиқни сақлаш декадаси доирасида йирик анжуман бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш вазирилиги ташаббуси

бекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноят-тов анжуманни кириш сўзи билан очиб, 10 кун давомида икки давлат ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон - Озарбайжон соғлиқни сақлаш декадаси доирасида амалга оширилган самарали фаолиятларга алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноят-тов Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатларнинг тиббиёт йўналишидаги дипломлари



билан ўтказилаётган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг соғлиқни сақлаш соҳаси масъуллари, олимлар ва экспертлар, Озарбайжоннинг етакчи хусусий тиббиёт марказлари ҳамда йирик фармацевтик корхоналар вакиллари, республикамиздаги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, тиббий олий таълим муассасалари, ҳудудий тиббиёт масканлари раҳбарлари иштирок этишди. Тадбир аввалида Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Ҳайдар Алиев таваллудининг 100 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильм намоиши этилди. Шундан сўнг Ўз-

ўзаро тан олиншини ўз маърузасида маълум қилди. Анжуман доирасида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизмида фаолият олиб бораётган олим, профессор ва тажрибали мутахассислар томонидан долзарб мавзуларда тақдимотлар олиб борилди. Анжуман якунида Ўзбекистон - Озарбайжон соғлиқни сақлаш декадаси доирасида ўтказилган жарроҳлик амалиётларида иштирок этган бир гуруҳ озарбайжонлик шифокорлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги ташакурномалари билан тақдирланди.

Давоми 4 - бетда▶

## ЎЗБЕКISTON - РОССИЯ

### ҲАМКОРЛИКДАГИ МАҚСАДЛАР ҚАМРАБ ОЛИНДИ

Қозон шаҳрида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорликнинг III форуми бўлиб ўтди. Икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ушбу нуфузли анжуманда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноят-тов ҳам иштирок этди.



Тадбир доирасида Ўзбекистон ва Татаристон Соғлиқни сақлаш вазириликлари ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Унга кўра:

– Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида татаристонлик мутахассислар иштирокида онкология, гинекология, болалар хирургияси, катталар ва болалар нейрохирургияси йўналишларида кам инвазив

жарроҳлик бўйича юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатишига қаратилган саломатлик ойланини ўтказиши;

– ўзаро мутахассислар алмашинуви;

– минтақавий кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва Россиянинг етакчи клиникалари ҳамкорлигида "Радиологик маълумот марказлари" дастурини амалга ошириши каби қатор истиқболли вазифалар кўзда тутилди.

### ЎЗАРО КЕЛИШУВЛАР КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МЕЗОНИ

Россияга ташриф доирасида тиббиёт соҳаси бўйича қандай келишувларга эришилди?

Хабарингиз бор, яқинда давлатимиз раҳбари расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлиб қайтди. Ташриф доирасида икки мамлакатнинг вазирилик ва идоралари, ишбилармон доиралари ўртасида турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган меморандум ва шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон делегацияси таркибида ташриф буюрган соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноят-тов бошчилигидаги бир гуруҳ тизим вакиллари ҳам Россиянинг қатор тиббиёт муассасалари, хусусий сектор вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, муҳим келишувларга эришди.

Хусусан, вакилларимиз Қозон шаҳридаги М. Садиқов номидаги 7-сонли шаҳар клиник шифохонаси негиздаги даволаш-реабилитация марказига ташриф буюриб, муассаса фаолияти билан яқиндан танишди.

Давоми 4 - бетда▶

ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ

# БУНДАНГ КЛИНИКАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ИМЗОЛАНДИ

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази директори Дониёр Алимов Корея Республикасида хизмат сафарига бўлди. Ташриф доирасида ушбу мамлакатнинг энг илғор тиббиёт муассасалари 5 талиги ва дунёнинг топ-100 рўйхатидан ўрин олган Сеул миллий университетининг Бунданг клиникаси фаолияти билан яқиндан танишди.



Маълумот ўрнида айтиш лозимки, мазкур шифохона ўз фаолиятини 2003 йилда бошлаган бўлиб, 1500 ўриндан иборат. Айти пайтда марказга кунига 10 мингга яқин мурожаат қабул қилиниб, йилига 350 минг нафардан ортиқ беморга стационар ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, бу ерда ҳар йили 42 мингдан зиёд юқори технологик хирургик амалиётлар бажарилади. Илғор рақамли технологияларни даволаш жараёнига тўлиқ татбиқ этган муассаса бугунги кунда ушбу янги усулларни Европа ва АҚШ клиникаларига экспорт қилмоқда. Йиллик илмий-тадқиқот бюджети 30 млн. АҚШ долларидан иборат бўлган марказ 30 дан ортиқ бўлимларда ўтказиладиган илмий лойиҳалар бўйича мамлакатнинг энг етакчи тиббиёт муассасаси сифатида тан олинади.

Ташриф доирасида беморларга шошилич тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий ёндашув, жумладан, тиббий саралаш



мезонлари, тиббиётни рақамлаштириш, тиббий таълим, телетиббиёт бўйича ҳамкорлик ва симуляцион технологиялардан фойдаланган ҳолда янги амалиётларни йўлга қўйиш бўйича ҳамкорлик масалалари атрофида муҳокама қилинди. Шунингдек, мулоқот давомида ушбу марказда қўшма шикастланган беморлар учун яратилган ёрдам тизими ҳақида маълумот берилди. Ўз навбатида, ўзбекистонлик мутахассис мамлакат-

мизда ушбу соҳада олиб борилган ислохотлар ва эришилган ютуқлар билан корейлик ҳамкорларни таништирди.

Мулоқот якунида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва Сеул миллий университетининг Бунданг клиникаси билан икки томонлама алоқаларни кенгайтириш бўйича шартнома имзоланди.

@ssvuz.

ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ

# АКАДЕМИК АЛМАШИНУВНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ...

Республика ўрта тиббиёт ва фармацевт ходимлар малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ва унинг филиаллари раҳбар ва педагоглари жорий йилнинг 3 октябрь куни Туркия давлатининг

Анкара шаҳрига Туркия давлатининг соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ўрганиш, тажриба алмашиш, семинарларда иштирок этиш мақсадида USHAS академиясига сафар хизматида жўнаб кетган эди.



– Ташрифимизнинг биринчи куни Туркия Соғлиқни сақлаш вазирига бўлди. Учрашув вазирилик қошидаги Ushas ташкилоти директори Мурод Маржон, USHAS академияси раҳбари Имро Айдин ва бошқа масъул ходимлар билан бўлиб ўтди. Шу билан бирга Туркия Соғлиқни сақлаш вазирилик тизимидаги фавкулотдаги ҳолатларда шошилич тиббий ёрдам тизими фаолияти билан ҳам танишилди, – дейди Республика ўрта тиббиёт ва



фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази директори Лола Мусаджанова.

Таъкидлаш жоизки, мақсадли учрашувнинг дастурига кўра, ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда ушбу мамлакатнинг тажрибасини ўрганиш,

Туркия олий таълим муассасалари билан академик алмашинувни йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилиш, геронтология, интенсив терапия ва бошқа қатор йўналишлар бўйича ўзаро билим алмашиш ишлари давом этмоқда.

М. МИРСАГАТОВ.

# БОЛАЛАР ОНКОЛОГИЯСИ БЎЛИМИ ИШ БОШЛАДИ

Болалар онкологияси бугунги кунда дунё тиббиётида долзарб масалага айланган. Бу борада олиб борилётган кўплаб тадқиқотлар ҳамда амалиётга тадбиқ этилаётган лойиҳалар мазкур ишнинг қай даражада долзарблигини ифодалаб турибди. Мутахассисларнинг олдида қўйган асосий устувор вазифа эса қачонлардир давоси бўлмаган онкологик хасталикларни бартараф этиш, имкон қадар бемор болажонларга яшаш бахтини инъом этишдан иборатдир.

Мамлакатимизда ҳам бу йўналишда бир қанча муҳим ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев саъй-ҳаракати билан айнан гематология ва онкология хизмати соҳасини такомиллаштиришга

жиддий эътибор қаратилмоқда. Мана шу эътибор ва ислохотлар самараси ўларок Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Болалар онкологияси ва гематологияси бўлими ташкил қилинди. Бунга қадар мазкур хизмат РИО ва РИАТМ вилоят

филиали таркибида бўлган бўлса, эндиликда болалар онкологияси ундан ажралган ҳолда алоҳида фаолият кўрсатадиган бўлди. Бу эса жажжи беморларга ихтисослаштирилган онкологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантиришга ҳисса қўшади, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги "Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-5130-сонли қарори асосида ташкил этилган бўлимда онколог Учкун Чориев иш бошлади. У Россия тиббиёт академиясида болалар онкологияси йўнали-

шида касбий тайёрловдан ўтиб, академиянинг дипломига сазовор бўлди. Яқинда марказга қориндаги шиш билан бир беморни олиб келишди. Бемор хирургия бўлимига ётқизилди. Тиббий текширувда унга қорин бўшлиғи кичик чанок бўшлиғи ҳосиласи ташхиси қўйилди. Шундан сўнг марказ онколог ва жарроҳлари иштирокида лапароскопик усулда ўнг тухумдон дермоид кистаси хирургик амалиёти бажарилди. Ҳозирда болани аҳолига стабил, шикоятлар йўқ. Гематология ва онкология йўналишларида амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, мазкур соҳада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, қўлама ва самардорлигини ошириш, шифохоналарни замонавий диагностика аппаратлари ва тиббий техникалар билан жиҳозлаш бо-

расида давлатимиз яратиб бераётган имкониятлардан унумли фойдаланиш тиббиётимиз фидойилари олдида турган асосий масала бўлиб турибди.

Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида фаолиятини бошлаган янги бўлим олдида устувор вазифалар қўйилган. Айти пайтда хасталикларни ташхислаш ва уларни самарали даволаш, мураккаб жарроҳлик амалиётларини йўлга қўйиш борасида саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Онкология йўналишида халқаро алоқаларни мустахкамлаш, дунёдаги етакчи клиникаларнинг тиббиёт профессорларини маҳорат дарсларига жалб этиш, бу орқали мамлакатимизга самарали даволаш методларини олиб келиш галдаги вазифадир.

Саидбурхон ҚОДИРОВ.

ИМКОНИАТ

# ТИББИЙ БРИГАДАЛАР ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 16 декабрдаги "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармони, унда белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида соғлиқни сақлаш тизими олдингидан тубдан фарқ қилувчи, янги тизимга айлантирилибгина қолмай, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббий профилактика ва патронаж тизимининг мутлақо янги тизими жорий этилди.

сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғи асосида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ташкил этилган "Тиббий бригада" аъзолари аҳолини тўғридан-тўғри соғлиқни сақлаш тизимига боғлаб турувчи кўприк бўлди, деса ҳам бўлади, — дейди ўқув семинарда иштирок этган Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош хамшираси Раҳима Сувонқулова. — Ушбу тизим йўлга қўйилмасдан олдин аҳолининг соғлиқ билан боғлиқ, кўплаб муаммолари жавобсиз ва ечимсиз қолиб кетарди.



Оилавий шифокорга ёрдам берадиган терапия, педиатрия, акушер ва патронаждан иборат "тиббий бригада" лар фаолияти йўлга қўйилди.

Бу эса, ўз навбатида аҳолининг саломатлик ва физиологик ҳолатидан келиб чиқиб, тегишли гуруҳларга ажратиш, гуруҳ мансублигига қараб аҳолини белгиланган муддатларда тиббий кўриклардан ўтказиш, тиббиёт муассасасига кела олмайдиган беморлар учун хонадонбай тиббий кўрик ташкил этиб, улар саломатлигини назорат қилиш имконини бермоқда.

Боёвут туман тиббиёт бирлашмаси, унинг Кўп тармоқли

марказий поликлиникасида Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан тизимидаги намунали оилавий шифокорлик пункти ходимлари учун ташкил этилган навбатдаги ўқув семинарда ана шу масалалар ижроси, тизим ходимлари олдида турган вазифалар, аҳолига кўрсатилиши кўзда тутилган тиббий хизмат тури, оилавий шифокор ва бошқа тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигини рейтинг тизими орқали баҳолаб бориш, бажарган ишига қараб кўшимча рағбатлантириш каби кўпгина масалалар муҳокама этилди.

— Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони, Соғлиқни

Мазкур фармонда, бу масала ва муаммонинг аниқ ечими кўрсатилибгина қолмай, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва у ерда ташкил этилган "тиббий бригада" аъзоларининг вазифа ва функциялари белгилаб берилгани, соҳа ходимлари учун катта янгилик бўлди. Нафақат Боёвутда, вилоятнинг Гулистон, Мирзаобод, Сайхунбод туманларида намунали оилавий шифокорлик пунклари ходимлари учун ташкил этилаётган ҳудудий семинарлар давомида ана шу жиҳатларга аҳамият қаратдик.

Тўғриси айтганда, соғлиқни сақлаш тизимига жорий этил-

ган янги механизм, унга асосан олиб борилиши лозим бўлган ишлар кўрсатиб берилган бўлсада, ушбу ишни тўғри йўлга қўйишда маълум бир маънода айтганда хато ва камчиликлар кўзга ташланиб қолаётган эди. Ўқув семинар эса, ана шу хато ва камчиликларни бартараф этишда, тиббий бригада аъзоларини ишини тўғри ташкил этишда қўл келмоқда. Кимдир ўз тажрибаси билан ўртоқлашса, яна кимдир ўзининг қизиқтирган саволларга ўқув семинар давомида ечим топаётгани нур устига, аъло нур бўлмоқда.

Асосийси, Боёвутда, туман тиббиёт бирлашмасига қа-

рашли Кўп тармоқли марказий поликлиникада ташкил этилган ўқув семинар, бирламчи тиббий санитария-ёрдами муассасалари, у ерда ташкил этилган "Тиббий бригада" аъзолари учун харжиятдан фойдали бўлди. Шунга яраша, фикрлар ҳам, саволлар ҳам хилма-хил бўлиб, ечим талаб, кўпгина масалаларга ечим топилди.

Ғулом ПРИМОВ,  
Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот котиби.

## Чет эл фуқароси бўлган ва фуқаролиги бўлмаган тиббиёт ходимлари ҳам малака тоифасини олиши мумкин

**Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасқидланган.**

Мазкур ҳужжат тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

Ушбу жараёни ташкил этиш бўйича Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш маркази директори Санжар

Шарипов маълумот берди.

— Малака тоифалари Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш маркази томонидан ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳамда идоравий бўйсунувидан қатъи назар:

— тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи барча ташкилотларда фаолият юритадиган шифокорлар, фармацевтлар;

— "Олий ҳамширалик иши" мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимлари;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларида фаолият юритаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилади.

— Шифокор ва фармацевтлар ҳар беш йилда бир марта малака тоифасини бериш бўйича навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтказилади.

— Илгари аттестациядан ўтмаган ва ишга янги қабул қилинган шифокорлар ҳамда фармацевтлар ёки олий таълим ташкилотларини битириб, биринчи бор ишга кирган шифокор



ва фармацевтлар мутахассислиги бўйича уч йил иш стажига эга бўлгандан сўнг малака тоифасини бериш мақсадида мажбурий аттестациядан ўтказилади.

— Шифокор ва фармацевтлар малака тоифасини бериш бўйи-

ча мажбурий аттестацияга ўз муддатида жалб этилиши учун шифокор ва фармацевтлар фаолият кўрсатаётган ташкилот раҳбари шахсан жавобгар ҳисобланади.

@ssvuz.

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ

# ЎЗАРО КЕЛИШУВЛАР КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МЕЗОНИ

Россияга таширф доирасида тиббиёт соҳаси бўйича қандай келишувларга эришилди?



← Давоми. Боши 1-бетда

1200 нафар ходим меҳнат қилаётган ушбу марказ сўнгги русумдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда марказий асаб тизими бузилиш, соматик, суюқ-бўғим касалликларига чалинган ҳамда COVID-19 ни бошдан кечирган беморларни реабилитация қилиш курслари ўтказилади. Муссадада имкониятлари чекланган беморларнинг

ҳаракатчанлигини тиклашга қаратилган ўзи хос “Ақли палата” ҳам бор. Марказ раҳбарияти билан бўлиб ўтган мулоқот давомида ана шундай замонавий реабилитация марказини мамлакатимизда ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди. Таширф доирасида вазир “Эйдос” МЧЖ вакиллари билан ҳам учрашув ўтказди. Ушбу корхона 30 турдан зиёд тиббий стимулятор-тренажёрлар, робот технологияси, юкумли касалликларни

аниқлашга мўлжалланган диагностика тизимларини ишлаб чиқариш бўйича Россияда етакчилардан ҳисобланади. Учрашувда “Эйдос” МЧЖ билан Чирчиқ технопарки худудида тиббий робот-симуляторлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан шартнома имзоланди. Таъкидлаш лозимки, ушбу корхонанинг маҳсулотлари бошқа хорижий давлатлардаги мукобиларидан бир неча баробар арзон. Навбатдаги музокаралар “Инфаркт” юрак-қон томир касалликлари диагностикаси, профилактикаси ва даволаш фонди вакиллари билан бўлиб ўтди. Мазкур фонд билан “Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё филиалини модернизация қилиш” ва “Қашқадарё вилояти Китоб шаҳрида кўп тармоқли тиббиёт марказини ташкил этиш” лойиҳаларини амалга ошириш бўйича меморандумлар имзоланди.

Биринчи лойиҳага кўра,



республика кардиология марказининг Қашқадарё филиали негизда замонавий стационар ва мобил диагностика маркази, юқори технологик эндоваскуляр ва очик кардиоваскуляр операциялар ўтказиладиган марказлар, болалар кардиожаррохлик маркази, кадрлар тайёрлаш учун ўқув-услубий ва илмий-амалий марказ ташкил этиш каби вазифаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Иккинчи лойиҳага асосан эса Қашқадарё вилояти Китоб шаҳрида кўп тармоқли тиббиёт маркази қурилиб, унинг негизда замонавий диагностика ҳамда инновацион ўқув-услубий марказларни ташкил этиш, илмий тадқиқотларда техник ёрдам кўрсатиш, эндокринологик касалликларнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси тизимини жорий этиш кўзда тутилган.

ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН

## ЭЗГУЛИКЛАРДАН ХАЛҚИМИЗ МАМНУН



часи кам инвазив усулдаги, асоратсиз ва ортиқча жароҳатларсиз кечадиган ҳамда организм киска муддатда ўз функциясини тиклайдиган илғор муолажа турларидан иборат бўлди. Муҳими, амалиётлар бепул бажарилди. Шу ўринда айтиш лозимки, академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказида декада доирасидаги



тиббиёт маркази Хоразм филиалида 11 нафар юртдошимизда юқори технологик операциялар бажарилди. Шунингдек, бошқа худудларимизда ҳам икки давлат соҳа мутахассисларининг тажриба, маҳорат ва амалий фаолиятлари асосида мураккаб жаррохлик амалиётлари муваффақиятли олиб борилди. Ўн кун давом этган мазкур акция орқали биринчи навбатда оғир хасталиклардан азият чекаётган, мураккаб операцияларга эҳтиёжи бор 100 нафардан зиёд беморларда кам инвазив усулдаги юқори технологик операциялар бажарилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, икки давлат томонидан амалга оширилган бундай эзгу мақсадларнинг янада бардавом бўлишига ишончимиз комил.

Ибодат СОАТОВА,  
журналист.

← Давоми. Боши 1-бетда

Эътироф билан шунга айтиш жоизки, жорий йилнинг 2-11 октябрь кунлари мамлакатимизда Ўзбекистон – Озарбайжон соғлиқни сақлаш декадаси ниҳоятда самарали тарзда ўтказилди.

Унинг доирасида ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва худудлардаги етакчи даволаш муассасаларида юқори технологик операциялар, кўшма амалиётлар, маҳорат дарслари, катталар ва болаларда кам инвазив хирургия, офтальмология, онкология ва гинекология каби қатор йўналишлар бўйича маслаҳатлашувлар бўлиб ўтди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш, фармацевтика, халқ табиоти, тиббий таълим ва илм-фан соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳокамалар



иқки давлат мутахассисларининг нигоҳида бўлди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон – Озарбайжон соғлиқни сақлаш декадаси соҳа ривожига янги имкониятлар эшигини очди десак муболаға бўлмайди. Таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон ва Озарбайжон шифокорлари томонидан худудларда мураккаб операциялар муваффақиятли ўтказилди. Бу каби кенг имкониятлардан халқимиз аҳли ниҳоятда мамнун бўлди. Аҳамиятлиси шундаки, операцияларнинг бар-



илк кўшма операция – озарбайжонлик хирург-трансплантолог Камран Бейдуллаев иштирокида лопараскопик йўл билан буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти бажарилди. Бундан ташқари қардош мамлакат шифокорлари билан ҳамкорликда ўтказилган навбатдаги кўшма амалиётларда бухоролик ва хоразмлик беморларга шифо улашилди. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази

Бухоро филиалида ҳам озарбайжонлик соҳа мутахассислари ҳамда маҳаллий шифокорлар билан биргалликда беморларда юқори технологик жаррохлик амалиётлари муваффақиятли ўтказилди. Шу билан бирга Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалида 60 нафардан ортиқ бемор тиббий кўриқдан ўтказилган бўлса, Республика ихтисослаштирилган онкология тиббий радиология илмий-амалий

САРҲИСОБ ВА ТАҲЛИЛ

# МЕҲР-САҲОВАТНИНГ НУРЛИ МАНЗИЛИ

*Ўзбек халқи азал-азалдан болажон халқ. Келажакимиз эрталари бўлган азиз фарзандларимиз тақдирига бўлган эътибор туфайли бугун “Янги Ўзбекистон”нинг нурли манзиллари бунёд этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир бола келажакига бефарқ бўлмай, уларнинг соғу саломат униб ўсишлари учун яратиб берётган имкониятлари туфайли ота-оналарнинг давлатдан розилиги, шукроналиги ортиб бормоқда. Зеро, соғлом авлод – Ватан келажакидир. Бу йўлда амалга оширилаётган илоҳотларни бир сўз билан ифодалаб бўлмайди.*



Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва тақлифлари билан ташкил этилган Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди қисқа вақт ичида ижтимоий ҳимояга муҳтож болажонларни соғлом ҳаётга қайтариш ва уларнинг бекаму кўст униб ўсишлари учун катта дастуриямал бўлди, дейиш мумкин. Давлат томонидан ажратилган маблағлар айни пайтда эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, чин етимлар, оғир касалликка чалинган ва ногиронлиги бор болаларни тиббий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсон бўлган болаларни таълим олишига қўмаклашиш, оғир хасталикка чалинган болаларни маҳаллий ва хориж клиникаларида даволаш, зарур дори воситалари билан таъминлаш каби хайрият тадбирларига йўналтирилмоқда.

Ўтган даврга қадр Болалар фонди томонидан жами 7 мингдан зиёд қийин шароитга тушган, молиявий етишмовчилиги бўлган оилаларнинг бемор, ногиронлиги бўлган болаларига тиббий ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Сўнгги 1,5 йил давомида бир қатор маҳаллий ва чет эл нуфузли клиникалари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди ҳамда 70 нафар оғир ташхисли, республикада даволаб бўлмайдиган бемор болалар (илик кўчириш, аъзолар трансплантацияси, ўзак хужайралар билан даволаш, оғир даражадаги сколиозлар, оғир даражадаги куйишлар асоратлари, кўз касалликлари ва ҳоказо) даволаниш учун нуфузли чет эл клиникаларига юборилди. 100 нафар бемор болалар Болалар фонди томонидан олиб келинган чет эл мутахассислари ёрдамида Ўзбекистонда жарроҳлик амалиётини ўтказдилар.

Бугунги кунда фонд томонидан беморларни чет эл клиникаларига юборишдан ташқари куйидаги тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, вилоятларда ўтказилган хайрия акциялари доирасида 7 мингга яқин бемор болалар (юрак нуқсонли, кўз ожизлиги, эшитиш даражасининг пастлиги, пластик жарроҳлиги ҳамда ортопедик касалликлари бўйича) юқори малакали мутахассислар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилиб, 1800 нафар болага вилоят миқёсида юқори технологик жарроҳлик амалиётлари амалга оширилди.

Туркиянинг юқори малакали ортопедлар гуруҳининг ташрифи давомида 300 нафар бемор болалар тиббий кўриқдан ўтказилди ва 27 нафарига туғма скалиоз оғир формаси ташхиси асосида жарроҳлик ўтказилди ва шу билан бирга 20 нафар маҳаллий шифокорларга маҳорат дарсларини ўтказдилар. Статистикага кўра, Ўзбекистон Республикасида 100 мингта туғилган болага туғма юрак нуқсонли билан туғилган болалар фоизи 0,6-0,8 га тўғри келади. Шундай қилиб, ҳар йили 600 минг болалар туғилиш даражасини ҳисобга олганда, ҳозирги кунга келиб йилига 3 мингдан ортиқ бемор бола жарроҳлик амалиётига муҳтож. Ҳозирда республика бўйлаб қилинаётган жарроҳлик амалиётлари ушбу касалликларни 50 фоизини қамраб олмоқда.

Эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Болалар фонди томонидан Болалар миллий тиббиёт марказига шошилиш тарзда 30 нафар бемор бола учун оклюдер (жарроҳлик кесилсиз очик артериал канални ёпиш) мосламаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида 200 та оксигенаторлар ҳамда

жонлантириш бўлимига 6 дона кардиомонитор, Республика перинатал марказига 12 дона кувейз харид қилинди. Охириги маълумотларга кўра, орфан касалликларини 7000 мингдан ортиқ тури мавжуд. Хабарингиз бор, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Орфан ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Давлат дастурига 11 турдаги орфан касаллиги киритилган. Ҳозирги кунда республикада генетик лаборатория текширувлари яхшиланганлиги сабабли, бир қатор орфан касалликлар аниқланмоқда. Лекин уларни эҳтиёж жиҳатидан ҳозирча сони кам бўлганлиги сабабли, даволаш, дори воситаларини харид қилиш учун тиббиёт муассасаларига маблағ ажратилмаган ҳамда марказий харид қилиш ҳам йўлга қўйилмаган. Лекин ушбу касалларга ишлатиладиган дори воситалари ҳамда тиббий воситалар жудаям қиммат. Орфан касалликларидан бири "Номукамал остеогенез", "Гоше", мукополисахаридоз ва бир қатор орфан касалликлар ушбу Давлат



дастурига киритилмаганлигини ҳисобга олиб, Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ушбу касаллик бўйича бемор болаларга ёрдам бериб келмоқда. 50 нафар орфан касаллиги "Номукамал остеогенез" ташхиси бўлган болаларга суякларини мустаҳкамлаш мақсадида телескопик стержень ҳамда махсус жарроҳлик асбоблари сотиб олинди ҳамда чет эл мутахассислари ёрдамида республикада биринчи марта бундай ташхисли бемор болаларга Республика болалар ортопедия марказида юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. "Номукамал остеогенез" - (лат. osteogenesis imperfecta - номукамал суяк шаклланиши яна бошқача номи "хрустал одам" касаллиги) бу суякларнинг мўртлашиши билан тавсифланган, суяклар тез-тез синиши билан намоён бўладиган кам учрайдиган (орфан) туғма генетик касаллик бўлиб, одатда фарзанд туғилишидан ёки унинг кичик ёшлигидан қузатила бошлайди.

Ҳозирда ушбу беморларга жарроҳлик амалиётини маҳал-



лий мутахассислар мустақил жармоқдалар, лекин телескопик стерженьлар бемор болаларнинг ота-оналарини муурожаатларини инobatта олган ҳолда Болалар фонди томонидан харид қилинмоқда. Орфан касаллигига кирувчи яна бир касаллик "Гоше" ташхисли бемор болаларга даволаш мақсадида, республикага илк маротаба "Глуразим" дори воситаси олиб кирилиб бемор болаларни Россия мутахассислари ҳамда Республика ихтисослаштирилган педиатрия ИТИ билан биргаликда даволаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу дорининг бир флаконининг баҳоси - 1000 АҚШ долларини ташкил этади.

Болаларни қўллаб-қувватлаш

чикиб, касб-хунарга ўргатилиб (тикувчи, сантехник, дурадгор, тарбиячи, ошпаз, компютер соловчи ва ҳоказо), уларни уй шароитида ўзини ўзи банд қилиши учун фонд томонидан асбоб-ускуналар сотиб олиб берилди. "Биргаликда ўқиймиз" лойиҳасини амалга ошириш мақсадида чет элдан даволаниб, уйда реабилитация ўтаётган болаларга компьютер, ноутбук, керакли ўқув куроллари олиб берилиб, уларни уйда таълим олишларига қўмаклашилмоқда. 600 минг та тиббий, ижтимоий мутахассис ҳамда психологларга чет эл мутахассислари иштирокида амалиёт жараёнида маҳорат дарслари ўтказилди. Ҳозирги кунда Болалар фонди АҚШ давлатининг Сенат Яҳудо" болалар илмий-тадқиқот шифохонаси, Беларусь, Германия, Россия, Туркия давлатларининг нуфузли клиникалари ҳамда АҚШ давлатининг ALSAC хайрия фонди, Россия давлатининг "Круг добра", Озарбайжон давлатининг "Гейдар Алиев", Беларусь давлатининг "Шанс" болалар фонди ҳамда бир қатор ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), ТИКА каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, Болаларни қўллаб-қувватлаш Фонди ҳар бир ота-онанинг, қолаверса эртамиз эгаларининг азалий орзу умидларини рўёбга чиқариш учун бир машъаладир. Бу йўлда Мухтарам Президентимиз томонидан олиб борилаётган эзгу ишлар яқин келажакда ўз самарасини беришига ишонамиз.

**Хулоса қилиб айтганда, минглаб хаста кўнгишларга бахт кириб борди, оғир дард билан курашиб келган кичкинтойлар соғлом ҳаётга қайтди! Президентимиз томонидан қўйилган энг муҳим талаб – инсон кадрини улўғлаш мана шундай эзгу ташаббуслар, хайрли қадамлар билан янада сермазмун бўлади. Янги Ўзбекистон ҳеч қандай ҳолига ташлаб қўймайди, ҳеч бир фарзандини эътибордан четда қолдирмайди.**

**Барно АБДУСАМАТОВА,**  
Болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ижрочи директори ўринбосари.

## НОВОСТИ МЕДИЦИНЫ

ОПАСНАЯ БАКТЕРИЯ ОТВОЕВЫВАЕТ  
НОВЫЕ ТЕРРИТОРИИ

*Известный как «великий раздражитель», мелиоидоз иногда путают с туберкулезом или другими бактериальными заболеваниями, а цена ошибочного диагноза высока: по данным Центров по контролю и профилактике заболеваний (CDC) США, до половины случаев заканчиваются смертью пациента.*

Инфекция передается бактерией *Burkholderia pseudomallei*, обитающей в тропических и субтропических регионах, но, по мере изменения условий окружающей среды, эта грамотрицательная бактерия, загрязняющая почву и воду, теперь обнаружена и в других местах. Исследователи обнаружили микроб в воде в Техасе и Пуэрто-Рико и почве в Миссисипи – ранее не эндемичных зонах.

"За последние три года мы наблюдали три случая в Миссисипи в одном и том же округе с одним и тем же новым штаммом", – сообщила **Medscape Кэтрин Деборд** из Национального центра по новым и зоонозным инфекционным заболеваниям CDC. Это первый случай, когда бактерия была обнаружена на континентальной части США, в районе побережья Мексиканского залива, который, согласно результатам исследований по моделированию окружающей среды, считается подходящим для роста *B. pseudomallei*. В настоящее

время ученые полагают, что мелиоидоз распространен более интенсивно, чем можно предположить по количеству зарегистрированных случаев. Это заболевание, также известное как болезнь Уитмора, недавно было признано весьма распространенным: ежегодно во всем мире регистрируется около 165 000 случаев заболевания и 89 000 смертей. Мелиоидоз может проявляться остро или оставаться латентным в течение многих лет после бессимптомного первичного инфицирования. Наиболее распространенным проявлением является острая легочная инфекция (иногда тяжелая), часты гнойные поражения кожи и других органов, что приводит к развитию сепсиса. Боль-

шинство случаев диагностируется в Юго-Восточной Азии и Северной Австралии. А в Таиланде на сегодняшний день зарегистрировано самое большое число случаев, подтвержденных высеванием культур в лаборатор-

обнаружили, что заражение коррелирует с количеством осадков, причем 80% случаев приходится на сезон дождей (с ноября по апрель в эндемичных районах).

В штормовых погодных условиях загрязненная вода и частицы почвы оказываются в воде и воздухе и могут попасть в организм через кожу и органы дыхания. Кожа с небольшим порезом или ожогом может служить местом попадания инфекции в организм.


Всемирная организация здравоохранения относит *B. pseudomallei* к патогену 3-й группы риска (высокий индивидуальный риск, низкий общественный риск), поскольку бактерия обычно не передается при случайном контакте от одного человека к другому, но все же может привести к серьезному заболеванию с повышенным риском распространения воздушным путем. Инкубационный период после заражения обычно составляет 21 день. В небольшом числе случаев ин-

фекция может активизироваться спустя месяцы или годы.

"Хотя передача инфекции от человека к человеку по-прежнему бывает довольно редко", – говорит **Кэролайн Шротт**, доктор медицинских наук, сотрудница Службы общественного здравоохранения США, из Национального центра по новым и зоонозным инфекционным заболеваниям: Но диагностика может быть сложной, а лечение – комплексным", – объясняет Шротт.

Лечение включает в себя внутривенное введение антибиотиков в течение двух недель во время острой фазы заболевания с последующим приемом пероральных антибиотиков в течение не менее трех месяцев. Осложненные инфекции требуют более длительного лечения на обоих этапах. Даже при незначительных нарушениях протокола лечения существует большой риск рецидива заболевания.

Медицинская  
Газета, № 39, 2023 г.



рии, – ежегодно диагноз ставится примерно 2500 людям.

В крупнейшем на сегодняшний день 30-летнем клиническом исследовании мелиоидоза в Дарвине, Австралии, было изучено более 1000 случаев заболевания. Исследователи

## СКОРАЯ ПОМОЩЬ

Хирурги спасли пациента, проглотившего  
300 ГРАММОВ МАГНИТНЫХ ЧАСТИЦ

Врачи Верхнеяркеевской ЦРБ спасли жизнь пациента, удалив из его желудка 300 граммов магнитных частиц. Магнитную воду он пил для лечения язвы желудка по рецепту из интернета. Об этом случае сообщил министр здравоохранения Башкортостана Айрат Рахматуллин.

Пациента доставили в больницу из-за сильных болей в животе. К счастью, он не стал скрывать от врачей, что занимался самолечением и пил воду с измельченными неодимовыми магнитами, чтобы избавиться от язвенной болезни желудка. Об этом "рецепте" он узнал

из интернета. Однако желаемого результата магнитная вода не приносила, а боли только усиливались.

Врачи сделали больному рентген – на снимке было ясно видно инородное тело, которое растянуло желудок и опустило его на 20 сантиметров. Специалисты приняли решение о хирургическом вмешательстве. Операция длилась 2,5 часа, за это время хирурги извлекли из организма 300 граммов магнитных частиц.

Ирина НЕВИННАЯ.



СОВЕТЫ ПЕДИАТРА

# ОПАСНЫЕ ДЛЯ ДЕТЕЙ НАРОДНЫЕ СПОСОБЫ ЛЕЧЕНИЯ

Детям очень вредно делать ингаляции над вареной картошкой

*Попытки вылечить больного с помощью народных методов могут нанести большой вред здоровью, что в особенности касается детей. Об этом рассказала педиатр Ольга Татаркина.*

По словам доктора, самый распространенный и опасный метод «лечения» детей – это растирание больного уксусом, водкой и льдом для снижения температуры.

«Спирт слишком быстро испаряется с поверхности кожи и охлаждает ее, что, в свою очередь, приводит к спазму периферических сосудов. В результате температура тела сначала резко падает, а потом быстро растет. Уксусная кисло-

та и лед работают по тому же принципу, что и спирт. Кроме того, вдыхание ребенком паров уксуса и спирта при растирании может привести к отравлению», – объяснила эксперт.

Татаркина рассказала, что больное при ангине горло не стоит полоскать керосином или смазывать им воспаленные миндалины: это горячее может вызвать ожог слизистой ротовой полости. Также доктор напомнила о вредности паров керосина, которые могут

вызвать у ребенка затрудненное дыхание из-за вызванного спазма. Кроме того, керосин не рекомендуется использовать при борьбе с педикулезом (вшиевостью).

Не менее пагубный эффект на здоровье ребенка могут оказать ингаляции над кипятком и вареным картофелем, которые с большой вероятностью обернутся ожогом слизистой дыхательных путей или ожогом кожи, если больной случайно перевернет кастрюлю.

«У детей до трех лет вдыхание горячего пара может спровоцировать спазм бронхов и затруднить дыхание. Вдыхание паров картофельного отвара несет в себе еще и скрытую угрозу: в них могут содержаться вредные вещества, растворяющиеся в воде при варке



картофеля», – добавила доктор.

Также Ольга Татаркина обратила внимание на то, что категорически нельзя закапывать мед или молоко в нос при насморке. По ее словам,

содержащиеся в них сахара и лактоза делают вещества питательной средой для бактерий. Поэтому их закапывание в нос может привести к усугублению насморка и развитию осложнений.

ПРАВИЛЬНОЕ ПИТАНИЕ

## Низкокалорийный и полезный ОБЕД

*Бюджетный, низкокалорийный и полезный обед приготовить вполне реально. Как это сделать, объяснила гастроэнтеролог Диляра Лебедева*

Врач отметила, что «есть один продукт, который улучшает качество кожи и волос, восстанавливает при ОРВИ и отравлениях, укрепляет суставы и кости». «А также заживляет слизистую кишечника», – подчеркнула врач.

«Это костный бульон. Весь вкус в коллагене и минералах», – уточнила специалист, добавив, что при длительной варке трубчатых костей и хрящей коллаген растворяется с образованием глютена (не глютена!) и желатина.

Последние отличает одна важная особенность – они усваиваются в ЖКТ в виде аминокислот и коротких пептидов.

Диляра Лебедева предупреждает, что блюдо подходит не всем.

«Учтите противопоказания: это обострение панкреатита, язва желудка и ДПК, подагра, повышенная секреция желудка, заболече-

вания почек и мочевых путей», – пишет врач.

Также не подойдет блюдо детям в возрасте до двух лет.

Если противопоказаний нет, то можно смело планировать на обед блюдо на основе костного бульона.

Один из самых полезных вариантов – суп с фрикадельками. Врач отметила,

что для этого, помимо самого костного бульона, понадобятся простые овощи (морковь, картошка, лук), зелень и одно куриное яйцо. Фрикадельки лучше приготовить из фарша из бедра индейки.

**«В результате у вас на столе – самый бюджетный, низкокалорийный и полезный способ поддержать кожу, волосы, суставы, связки и кишечник», – заключила гастроэнтеролог.**

Оксана ГРИБАНОВА.



ФВБ ОГОХЛАНТИРАДИ

## ЎЗИНГИЗ ВА ОИЛАНГИЗ ҲАЁТИНИ ХАВФ ОСТИГА ҚЎЙМАНГ

Ёқилғи маҳсулотлари ичида бошқаларига нисбатан хавфлироғи табиий газ ҳисобланади. Табиий газдан фойдаланганимизда, гўёки у тўлиқ ёнаётгандек тасаввур уйғотади. Аслида у тўлиқ ёнамаслиги натижасида хона ичида газ тўпланиб, газ оқими беҳосдан узилиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Айримлар газ плитасини ёқиб, Ақаровсиз қолдиради, иситиш тизимларига газни улашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида портлаш, ёнғин содир бўлиши ҳамда табиий ва ис газларидан захарланиш ҳолатлари билан боғлиқ фавқулодта вазиятлар содир бўлиши мумкин. Натижада кишилар турли хил тан жароҳатлари олади ёки ҳаётдан бевақт кўз юмиши ҳолати кузатилади.

Ис газни юқори нафас йўллари ва аъзоларига кучли таъсир қилиб, нафас йўллари орқали бутун организмни, хусусан, марказий асаб тизимини зарарлайди. Захарланиш ис газининг ҳаводаги концентрацияси ва таъсир муддатига боғлиқ бўлиб, енгил, ўрта ҳамда оғир даражада кечади. Қайси даражада бўлишидан қатъи назар, захарланган одамнинг боши қаттиқ оғрийди, айланади, кўнгли айнаб, қайт қилади, баъзан ҳушдан кетиб, нафас олиши секинлашади. Беморни зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш зарур.

Табиий ва ис газни билан захарланишга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- Табиий газ тўлиқ ёнамаслиги оқибатида ҳосил бўладиган ис газининг салбий таъсири;
- Хонадонлар иситиш тизимида табиий газ билан улашида меъёрий талабларга риоя этилмаслиги;
- Табиий газдан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаслиги;
- Иситиш учун мўлжалланган

печка ҳамда мўриларнинг соз ҳолатида эмаслиги, яхши тозаланмагани ва бошқалар.

– Хонада табиий газ йиғилиб қолса:

– Хона деразаларини очиб, шамоллатиш;

– Хонадаги электр жиҳозларни ёқмаслик, ёниқ бўлса ўчирмаслик;

– Газ жўмрақларини беркитиш;

– Газни беркитишнинг иложи бўлмаसा, ёрилган, синган ва тешилган жойлар аниқланса, газ таъминоти авария хизматига хабар бериш зарур.

Табиий ва ис газлари билан боғлиқ қўнғилсиз ҳодисалар ҳамда нохуш вазиятлар юз берса:

– Захарланган кишига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;

– Биринчи ёрдам кўрсатиш учун, аввало, захарланган кишини зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш зарур;

– Юзаки нафас олишида ёки нафас олиш тўхтаб қолганда сунъий нафас олдир бошлаш лозим;

– Азар бемор ҳушида бўлса, тананинг юқори қисмини қисиб турувчи кийимлардан бўшатилди, иссиқ чой ва қаҳва ичирилди;

– «103» телефон рақами орқали «Тез тиббий ёрдам»га хабар беринг;

– «104» телефон рақами орқали ҳудудий газ таъминоти идорасига хабар беринг;

– «1050» қутқарув хизматида хабар беринг.

Алишер ҚУДРАТОВ.  
«Қамчик» МҚЁКБ ходими,  
кичик сержант.

## АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ

КИМЛАР МАЛАКА ТОИФАСИНИ БЕРИШ БЎЙИЧА  
МАЖБУРИЙ АТТЕСТАЦИЯГА ЖАЛБ ЭТИЛМАЙДИ?

*Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасқидланган Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига кўра, малака тоифасини бериш бўйича мажбурий аттестацияга жалб этилмайдиган, яъни ихтиёрий равишда малака тоифасини бериш бўйича аттестацияларда иштирок этиши мумкин бўлган мутахассислар ҳам бўлиб, бунга қуйидагилар киради:*

**Ф**ан номзоди, фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc)) даражасига ҳамда Олий аттестация комиссияси томонидан берилган катта илмий ходим, доцент ва профессор илмий унвонига эга бўлган олий тиббий таълим ташкилотларининг шифокор ва фармацевтлари;

(Изоҳ: бунда олий тиббий таълим ташкилотларининг кафедраларида фаолият юрита-

ётган шифокор ва фармацевтлар назарда тутилган бўлиб, бошқа тиббиёт муасасаларида фаолият юритадиган илмий даража ҳамда илмий унвонга эга шифокор ва фармацевтлар учун малака тоифасини бериш бўйича аттестациядан ўтиш мажбурий эканлигини англатади. Шунингдек, уларнинг амалдаги малака тоифаси муддати тугагандан сўнг малака тоифаси учун тўланадиган кўшимча тўлов тўхтатилади). Тиббиёт ёки фармацевтика

фаолияти билан шуғулланаётган ва қонунчиликка мувофиқ пенсия ёшига тўлган шифокор ва фармацевтлар.

(Изоҳ: бунда уларнинг амалдаги малака тоифаси муддати тугагандан сўнг малака тоифаси учун тўланадиган кўшимча тўлов тўхтатилади. Малака тоифаси учун кўшимча тўлов тўланиши учун навбатдаги ёки амалдаги малака тоифасини олиш учун ўрнатилган тартибда ҳужжат топшириб, аттестациядан ўтиши талаб этилади). Тиббиёт ёки фармацевтика фаолияти бўйича уч йилдан кам бўлган иш стажига эга шифокор ва фармацевтлар;

(Изоҳ: бунда қарор билан тасдиқланган Регламентга кўра, иккинчи малака тоифаси учун энг камида уч йил иш стажига талаб этилади, шунга кўра ушбу шифокор ва фармацевтлар учун мазкур даврда малака тоифаси олиш ихтиёрий этиб белгиланганлигини англатади).

– ҳомиладор аёллар, улар ҳомиладор бўлган даврда



ҳамда ишга чиққанидан кейин бир йил давомида;

– ҳомиладорлик ва тугиш ҳамда болани парвариш қилиш таътилларида бўлган аёллар, улар таътилда бўлган даврда ҳамда ишга чиққанидан кейин бир йил давомида;

– тиббиёт ёки фармацевтика фаолияти билан шуғулланаётган уч ёшгача болалари бор аёллар;

– узоқ вақт давомида (уч ойдан ортиқ) даволанаётган шифокор ва фармацевтлар, улар даволанаётган даврда

ҳамда ишга чиққанидан кейин олти ой давомида;

– чет давлатларга ўқишга, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига юборилган шифокор ва фармацевтлар.

Бунда, 4, 5, 6, 7, 8-хат-бошилардаги шифокор ва фармацевтлар фақатгина белгиланган давр давомида малака тоифасини бериш бўйича мажбурий аттестацияга жалб этилмайди.

Санжар ШАРИПОВ,  
Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш маркази директори.

## БИЛАСИЗМИ?

## Тиббиёт ходими навбатдан ташқари малака тоифасини олиш бўйича аттестациядан ўтса, иш ҳақи оширилади

*Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига кўра, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ўз хоҳишига кўра навбатдан ташқари малака тоифасини бериш бўйича аттестациядан ўтказилиши мумкин:*

– Ўз хоҳиши билан навбатдан ташқари аттестацияда қатнашиб, малака тоифасини оширган тиббиёт ва фармацевтика ходимларига оширилган малака тоифаси

бўйича ҳақ тўланади;

– Навбатдан ташқари аттестацияда қатнашиб, ундан ўта олмаган ходимларнинг малака тоифаси туширилмайди;



– Даволаш-профилактика ташкилотлари раҳбарлари навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтиши мудда-

ти тугашидан олти ой олдин шифокор ва фармацевтларни аттестациядан ўтиши лозимлиги тўғрисида ёзма

равишда хабардор қилиши зарур.

Шунингдек, раҳбарият томонидан ходим тиббиёт ва фармацевтика ходимлари аттестациядан ўтказиш тартиби билан таништирилиши ҳамда аттестациядан ўтиш учун ҳужжат топшириш бошлангунга қадар уларнинг малака ошириши ташкил этилиши лозим.

@ssvuz .



Газета муассиси:  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.  
Электрон манзилими: www.uzssgz.uz

Бош муҳаррир  
**Амрилло ИНОЯТОВ**  
Бош муҳаррир ўринбосари  
**Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев  
**Таҳририят манзили:** 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.  
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233–11–07.

Газета ҳажми  
**2 босма табоқ.**  
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.

Адади - 692 дона.  
Буюртма рақами Г-1035.

Босмахонага топширилиш вақти:  
21-00. 3 4 5 6 7  
Топширилди 20-00.